

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**

**АКАДЕМИК
НАИМ ФОТИҲОВИЧ КАРИМОВНИНГ
90 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН**

**ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент
“FIRDAVS-SHOH”
2022

УЎК 821.512.133.08-03
КБК 84 (5У)

“Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. [Матн]. – Тошкент: “Firdavs-shoh” нашриёти, 2022 й., – 568 б.

Ушбу тўпламга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Давлат мукофоти соҳиби Наим Фотиҳович Каримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи ҳамкорликда ўтказаетган “ЎЗБЕК АДАБИЁТ-ШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари киритилган.

Тўплам икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимдан Наим Каримов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган мақолалар ўрин олган. Иккинчи бўлимга эса адабиётшунослигимиздаги турли мавзулар тадқиқига бағишланган мақолалар киритилган.

Масъул муҳаррирлар
Низомиддин МАҲМУДОВ,
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Таҳрир хайъати
Улуғбек ҲАМДАМОВ,
С. МЕШИЕР

**Сувон МЕЛИЕВ,
Мақсуд АСАДОВ,
Раҳматулла БАРАКАЕВ,
Санобар ТЎЛАГАНОВА,
Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
Манзура ОТАЖОНОВА,
Шаҳноза НАЗАРОВА**

Тўплаб нашрга тайёрловчи
Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

Такризчилар
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
Филология фанлари доктори, профессор;
Баҳодир КАРИМОВ,
Филология фанлари доктори, профессор.

ISBN 978 9943 8752-6-5

© Ж.А. Баҳадиров, 2022
© “Firdavs-shoh” нашриёти, 2022

МУНДАРИЖА

1. Иброҳим Ғафуров. Хар қанча фахрлансам, арзийди.....	8
2. Хуршид Дўстмуҳаммад. Адабиётимизнинг “Олтин даври”: тадқиқот давом этади.....	10
3. Шухрат Ризаев. Адабиётшунослигимиз дарғаси.....	17
4. Йўлдош Солижонов. Кенг қамровли олим	19
5. Almaz Ülvi Binnatova. Naim Kərimov ömürlündə kamilliyə gedən yolun naxışları	22
6. Ҳамидулла Болтабоев. Олимлик қисмати.....	25
7. Жаббор Эшонқулов. Бир асрлик бадий тафаккур қомуси	29
8. Эркин Аъзам. Келажак одами.....	34
9. Улуғбек Ҳамдам. Адабиётни қисмат билган олим.....	35
10. Акбар Сабирдинов. Юртнинг ардоқли олими.....	41
11. Сувон Мели. Патриарх	47
12. Баҳодир Каримов. Шахсиятлар сабоғи.....	56
13. Нурбой Жабборов. Илм заҳматидан топилган шараф.....	61
14. Қурдош Қахрамонов. Ўтиш даври жараёни ва мунаққид ёндашуви	64
15. Шомирза Турдимов. Наим Каримов – ҳайрат фарзанди	68
16. Исломжон Ёқубов. Ёндашувлар синтези ва поэтик ифода ракурслари.....	70
17. Шоира Аҳмедова. Наим Каримов Ойбек ижодининг тарғиботчиси сифатида.....	82

18. Абдухамид Холмуродов. Нуктадон танқидчи, заҳматқаш олим.....	89
19. Санобар Тўлаганова. “Камол”ни касб этган олим.....	94
20. Марҳабо Кўчқорова. Титан олим.....	97
21. Пошшажон Кенжаева. Ўзбек адабиётига бахшида умр	102
22. Лайло Шарипова. Олимларнинг устози	104
23. Мақсуд Асадов. Ҳаёт ва ижод йўли.....	106
24. Абдулла Улуғов. Замонлар сахнини ёритган нур.....	109
25. Обиджон Каримов. Адабиётшунослик илмининг забардаст олими	116
26. Шахло Ҳожиева. Наим Каримов – Чўлпоншунос	119
27. Меҳрибон Ёдгорова. “Усмон Носир” маърифий-биографик романи тўғрисида.....	124
28. Гулбахор Бекташева. Жадид адабиётшунослиги тараққиётида Наим Каримовнинг ўрни	126
29. Зулхумор Мухторжонова. Ойбекшунос олим фаолиятига бир назар.....	129
30. Nigora Uralova. Qutlug‘ yosh ostonasida (Akademik Naim Karimov bilan suhbat).....	132
31. Турсун Али. Устоз	143

32. Мухтор Худойкулов. Жаидлар матбуотида ҳажвий публицистика	144
33. Дилмурод Қуроноқ. Г.Шенгели – Чўлпон таржимони.....	154
34. Нурбой Жабборов. Беҳбудий ва Туркистонда таълим ислоҳоти.....	158
35. Вели Саваш Йелок. Аҳмед Ҳамди Танпинар ижодига бир назар.....	165
36. Улуғбек Ҳамдамов. Ўлжас Сулаймонов ижодига бир назар.....	171
37. Узоқ Жўрақулов. Ростгўй шоир.....	179
38. Қулдош Пардаев. “Ал-ислоҳ” журналида (1915-1918) адабиёт материаллари.....	185
39. Муқаддас Тожибоева. Мўминжон Тошқиннинг “Эски мактаб турмуши ёки толиб” асари хусусида.....	192
40. Санобар Тўлаганова. “Занжирбанд шер”ни юрагига сиғдирган шоира.....	198
41. Мархабо Қўчқорова. “Сенга қайтмоқдаман, шеърят!” ёхуд Қутлибека Раҳимбоева ҳаёти ва ижодига чизгилар.....	206
42. Манзура Отажонова. Мифик сюжет ва роман композицион қурилиши.....	214
43. Умида Расулова. Ҳозирги ўзбек шеърятидаги поэтик изланишлар	222
44. Nasiba Sabirova. Xorazm dostonchiligi rivojida baxshichilik an’analarining ahamiyati.....	226

бахшнинг ананаларнинг аниқлиги	220
45. Башорат Жамилова. Автобиографик–диалогик қиссаларнинг бадиий-композицион, синкретик хусусиятлари	232
46. Adiba Davlatova, Dilnoza Tadjiboyeva. Abdulla Oripov she'riyatida diniy-axloqiy mezonlar	240
47. Эргаш Очиллов. Ҳассос шоирнинг ҳаяжонли шеърлари.....	236
48. Олим Олтинбек. “Айтилмаган бир сўзим бор бўғзимда...”	247
49. Саъдулла Матякупов. Лирикада бадиий коммуникация омиллари	250
50. Илҳомбек Қурбанбаев. Поэтик нутқда лаконизм воситачилик роли	257
51. Обиджон Каримов, Акрамжон Ҳамдамов. Абдулла Орипов шеърлятида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг талқини.....	259
52. Тозагул Матёкубова. Ғафур Ғуломнинг ижодий феномени.....	263
53. Мусо Тожибоев. Бадиий таржимада фразеологик бирликлар ва поэтик реалияларнинг герменевтик имкониятлари	268
54. Йўлдош Раҳматов. Халқ кўшиқлари, мақол ва руҳий кечинма.....	275
55. Manzura Pirnazarova, Bekposhsha Ahmedova. G'afur G'ulom hayoti va ijodini o'rganish	279
56. Nasiba Djumaniyazova. Ichdim g'am mayin.....	284

57. Манзура Пирназарова. “Минг бир ёғду” маърифий достони хакида	287
58. Нодира Соатова. Шухратнинг “Қўша қаринглар” комедиясида халқона пафоснинг эстетик моҳияти	291
59. Айимхан Эшниязова. Йил ҳикоялари тадқиқи	297
60. Махфуза Туйчиева. “Ўтган кунлар” танқиди хусусида	302
61. Ҳулқар Муҳаммедова. Адибалар насри Маргарет Олифант ижоди талқинида	305
62. Дилафруз Абдуллаева. Гада ас-самман ва Зулфия Қуролбой қизи ижодида “социум аёл” концепти	310
63. Анвар Алламбергенов. Олим Отахон ижодининг айрим ўзигахослиги хусусида	317
64. Махсума Дехқонова. Танқид тарихи	320
65. Озодахон Болтабоева. Мулла Йўлдош Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари композицияси хусусида	322
66. Дилрабо Игамуратова. Болалар насри таржимасида фразеологизмларнинг қайта яратилиши	327
67. Нигора Холматова. Ижодкор дунёқарашининг шаклланиши	332
68. Баҳор Тўраева. Ретроспекция–хотиранинг ижодий-эстетик моҳиятини ёритишда ёзувчилар услубидаги оригиналлик	337
69. Рухсора Тулабаева. Худойберди Тўхтабоев “Мунгли кўзлар” романида ижтимоий муҳитнинг таъсири масаласи	345
70. Миродимбек Ҳамидов. Хуршидахон Қомилдова	

70. Мирзолимомек Ҳамидов, Хуршидаҳон Қомиллова. Давлати – қалб шеъри ва эски танбур.....	349
71. Нодира Холикова. “Янги йўл” журналида хотин-қизлар маърифатига доир масалаларнинг ёритилиши	353
72. Феруза Бурханова. Уч ҳикоя таҳлилига доир.....	359
73. Nilufar Mirsaidova. Turkistonda milliy uyg'onish harakati.....	363
74. Тўлқин Сайдалиев, Малоҳат Бадалбаева. Ўзбек характери – бадиий образлар мисолида.....	369
75. Фаррух Темиров. Садриддин Айний – Бухородаги жадиличлик ҳаракатининг йирик намояндаси.....	373
76. Гулноза Орипова. Мустақиллик даври ўзбек лирикасида анъана ва янгилашиш.....	376
77. Насима Қодирова. Эркин Воҳидовнинг мунаққидлик маҳорати	381
78. Барно Мирзаева. Илм ва маърифатда ўрнаклик.....	384
79. Дилнавоз Салимова. Ойдин Ҳожиева шеъриятида поэтик тафаккур	388
80. Ферузахон Каримова. Эркин Аъзам асарларидаги ички нутқнинг баъзи хусусиятларига доир	392
81. Гулбахор Назарова. Алишер Навоий ҳамда Уильям Шекспир ижодида пари (соҳира) мифологик образи талқини	395

82. Нодира Мансурова. Жаҳон адабиётида магик реализм тараққиёти	400
83. Нигора Уралова. Тарихий ҳақиқат ва бадиий тасвир	404
84. Zuhra Azilova. She'riy tarjimada harfiy san'atlar in'ikosi	410
85. Ro'zigul Jumaniyazova. “Xorazm fojiasi” qissasida shoh va shoir obrazining badiiy talqini xususida ba'zi mulohazalar.....	413
86. Зебо Сабирова. Замонавий шеърятга бир назар.....	417
87. Гулбахор Эрназарова. Замонавий ўзбек шеърятида тасаввуфий талқинлар.....	421
88. Muyiba Otamuratova. Qog'ozga to'kilgan qalb tug'yonlari	425
89. Муслимбек Алижонов. Жадид адабиёти ва Ғози Юнус	428
90. Шахноза Назарова. Хуррият йўли	433
91. Mahliyo Elboyeva. Bolalar adabiyotini o'qitishda noan'anaviy ta'lim metodlari asosida o'rganish	437
92. Манзура Абдуллаева. Шоир Ҳайратий “Саёхатнома”сида лингвомаданий ифодалар.....	441
93. Шахноза Мухитдиновна. Хожанинг “Мақсад ул-Атвор” достони бадиияти	445
94. Мухлиса Ҳафизова. Ғафур Ғулом ва Эркин Воҳидов: устоз-шогирдлик анъаналари	449
95. Shoxista Axmedova. “Haqqush qichqirig'i” dostoni qo'lyozmasi haqida	453
96. Ozoda Ochilova. “Shahidlar shohi” qissasida Shayx	

96. Ўзода Ўстинова. Эпандиар шон қиссасида Эпайх Najmiddin Kubro obrazi.....	456
97. Севинчой Ёқубова. Пари образи поэтик ифодаси билан боғлиқ янги ланишлар.....	461
98. Шахноза Azimjonova. Usmon Nosir adabiy portretini yaratish mahorati.....	465
99. Quvonch Mamiraliyev. O‘zbek modern she‘riyatida folklorizmlar yoxud badiiy modifikatsiya ko‘rinishlari	468
100. Моҳира Отабоева. “Нонсенс” асарни таржима қилиш масаласи.....	473
101. Олимжон Жумабоев. Рамзларда умр ва тақдирнинг бадий-фалсафий ифодаси	477
102. Амонкелди Ахматов. Бухоро адабий муҳити тарихи (1955-1965 йиллар).....	481
103. Нафиса Каримова. “Адабиёт қоидалари” асарида ижод лабораторияси унсурлари	485
104. Elmurod Jumayev. Nurali Qobulning “Jon va shon talvasasi” romanida Amir Temur obrazi talqini	489
105. Сарварбек Олимжонов. Улуғбек Ҳамдам насрининг услубий хусусиятлари	493
106. Барчин Шукурова. Лукмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридий” романида комил шахс талқини.....	499

107. Nilufar Atajanova. Hozirgi zamon jahon va o‘zbek she’riyatidagi shakliy-uslubiy izlanishlar	503
108. Дониёр Жуманиязов. Сирожиддин Саййид ижодида кўнгил образи	506
109. Малика Фаилова. Усмон Азим ижодида бир сюжетнинг турли талқинлари.....	509
110. Boburmirzo Iminjanov, Nurchehra Iminjanova. Usmon Nosir she’riyatida sifat so‘z turkumiga oid so‘zlarning qo‘llanilishi va tahlili.....	516
111. Зилола Жамолова. Адабий обзорда шеърият таҳлили.....	519
112. Shahzoda Mirsharipova. Tarixiy romanda Bibixonim obrazi talqini.....	522
113. Нигора Ашурова. Рисолат Ҳайдарова асарларида аёл қалб кечинмалари тасвири	526
114. Shukurjon Zaripova “Badiiy so‘z estetikasi” tadqiqoti xususida.....	531
115. Sevara Tursunova. “O‘zbekim” va Sharof Rashidov.....	534
116. Sohiba Arzikulova. Oybek ijodida Cho‘lpon yog‘dusi.....	538
117. Наима Алиқулова. “Тазкираи Мажзуб Намангоний”да Мусохон Дахбидий зикри.....	542
118. Sharofat Ismoilova. Qo‘qon adabiy muhitida hikmatnavis sulola vakillari.....	546
119. Sadoqat Otamuratova. Shermuhammad Munis ijodida ko‘ngil, sham’ va parvona obrazlari	550
120. Дадахон Муҳаммадиев. Асардаги яхлит кўчимлар ёхуд “шеър-метафора”	553

Схуд – шеър-метафора	555
121. Lochinbek Axmadaliyev. “Tazkirai Qayyumiy” – XX asr o‘zbek adabiyotshunosligining bebaho namunasi	556
122. Nurjahon Qayumberdiyeva. Yosh shoirlar ijodida modifikatsiya ifodasi.....	561
123. O‘g‘iloy Ahmadaliyeva. Milliy ma’rifat rahnamosi haqida yangi risola	564

ПАРИ ОБРАЗИ ПОЭТИК ИФОДАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЯНГИЛАНИШЛАР

Севинчой ЁҚУБОВА,
*Алишер Навоий номидаги
ТошДЎТАУ таянч докторанти*

Аннотация. Ушбу мақолада жадид шеъриятидаги пари образи поэтик ифодаси билан боғлиқ янгилаНИШЛАР ўрганилган. Жумладан мумтоз Шарқ адабиётида кенг қўлланилиб келган пари образи XX аср ўзбек шеъриятида ўзининг мазмун қатлами, ифода йўсинида муайян эврилишлар жараёнини бошидан кечиргани, ижтимоий пафос ташишга йўналтирилгани таҳлилга тортилиб, мухтасарумумлашмалар чиқарилган.

Калит сўзлар: шеър, образ, халқ оғзаки ижоди, бадиият, мифология, мисра, оҳанг, мумтоз адабиёт, ўзига хослик

Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги анъанавий образлардан бири пари бўлиб, унинг пайдо бўлиши, ўзбек шеъриятига кириб келиши, бевосита халқ мифологияси билан боғланади. Халқона тасаввурларга кўра париларнинг хилма-хил турлари мавжуд ва улар муайян бадий-эстетик вазифаларни бажаради. Масалан, шомонистик тасаввурларга кўра парилар Кўхи Қоф ёки Боғи Эрамда маскан тутиб, инсонга ва инсон унга ошиқ бўлиши табиий ҳол саналади [Ҳаққудов И. 7: 173]. Тасаввурларга кўра парилар боқий яшайди,

сапалади [Ҳаққулов Н. 7: 175]. Тасаввурларга кура парилар ёқин яшайди, улар баъзан нопок одамлардан ўч олиши, кўпинча санъатни севиши, кўздан ғойиб бўлиши, ҳатто айрим ҳолларда инсонга шикаст етказиши ва ақлдан оздириши ҳам мумкин.

Рус фольклоршуноси А.Афанасьев қадимги славян халқларида табиат ҳодисалари (ёмғир, шамол)нинг ҳомийлари пари ёки сув парилари эканлигини таъкидлайди [Афанасьев А. 1: 150]. “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлигидаги “пайрика” – мифологик персонаж номи бўлиб, генетик жиҳатдан пари образининг архаик кўриниши эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган... Е.Э. Бертелснинг фикрича, “пари” сўзининг ўзаги ҳинд – европа бобо тилидаги “перй” лексемаси бўлиб, бу сўз зардуштийликдан бурунги мифологияда гўзаллик ва муҳаббат илоҳасининг атоқли оти ҳисобланган [Жуманов Э. 2]. Ўзбек мумтоз шеърлятида эса, пари образи маъшуқа гўзаллигининг идеаллашган тасвирини ифодалашда қўлланилган. Бу образнинг ўзбек адабиёти тарихига кириб келиши, шеърлятдаги бадий-эстетик вазифалари тадқиқотларда муайян даражада ўрганилган [Матёқубова Т. 3]. Масалан: Огаҳий ғазалларида халқ оғзаки ижодида тасвирланган сув париси образини учратамиз:

Хўблуқ авжига чиқсон қуёш осо қўбдур,

Рутбада ўхшатғувсидур пари уммона санго. [Огаҳий 5: 56].

Шоир гўзал ёрнинг юксак даражадаги мартабасига табиатдан қиёс излар экан, уни ёрқин ва нурафшон қуёшга, шу нурда жилваланувчи денгиз-у океан сувларига, сув парисига қиёслайди.

Тадқиқотчи Д.Назарова Ҳувайдо шеъриятидаги пари билан боғлиқ шеърларни ўрганар экан, бундай ўринларда шоир маъшуқага “Эй пари”, “ Ул пари”, “Бир пари” деб мурожаат қилувчи байтлар кўпчиликни ташкил этишини қайд этади ва фикр тасдиғи учун қуйидаги мисолни келтиради:

Тушди кўнглим ичра дардинг телбалардек, эй пари,

Кулли оламдин кечиб, бегона бўлдим оқибат [Назарова Д. 4:128].

XX асрнинг 20-йилларига келиб бадиий адабиёт реал ҳаётга яқинлашди. У ижтимоий давр талаби ҳамда ижодкорлар маънавий-руҳий эҳтиёжи туфайли миллат руҳини уйғотишга йўналтирилди. Жадид шоирлари наинки мавзу балки янги адабий турлар ва жанрларда замон талаблари, миллат эҳтиёжларига жавоб беришга, бармоқ, верлибр йўсинларида шеърлар ёзишга интилди. Эбтиборли жихати шундаки, илгаридан мавжуд образлар ҳам эндиликда эрк, озодлик, курашчанлик, мустамлакачиларга нафрат, қолоқликдан қутулиш сингари ижтимоий маърифий мазмун, даъваткор рух таший бошлади. Жумладан, Чўлпон “ Кет” шеърида шундай ёзади:

Кет, эй тўққиз пари, гўзал қора қуш,

Йиқин бўлган кўкрагимдан, четда уч.

Кет, севгимнинг улуғ ёви, кўринма,

Дарнат соғиб ёндаримда юринма [Чўлпон 7:46]

Чўлпон жаҳон адабиётининг зукко билимдони ва таржимони эди. Шунинг учун Чўлпоннинг ижод намуналарида жаҳон адабиёти билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам кузатилади. Ушбу шеърда шоир француз ёзувчиси Виктор Гюго (1802 – 1885) нинг “Париждаги Биби Марям ибодатхонаси” (1831) тарихий романи воқеаларига ишора қилади. Роман воқеалари ўрта асрда бўлиб ўтади, асарда қўнғироқхона тоmidан туриб, ўз махбубаси бўлган лўли кизни кузатган Квазимоданинг фожеали муҳаббати тасвирланади. Бизнингча, “*тўққиз пари*” дейилганида Парижнинг Сите оролидаги француз готикасига хос меъморий ёдгорлик бўлган ушбу ибодатхона бош тархидаги ҳайкаллар назарда тутилган. Чунки Биби Марям ибодатхонаси Париждаги илк христианлар черкови – Авлиё Стефан ўрнида жойлашган бўлиб, қадимги римликлар худоси Юпитер черкови пойдевори асосига қурилган эди. Ривоятларга кўра, ақл бовар қилмас даражадаги маҳобатли ушбу черков қурилишига Иблис ҳам ўз ҳиссасини қўшган экан.

Чўлпон Иблис аралашган иш хайрли эмаслигига эътибор қаратади. Бегона маданият сиғиниш объектлари бўлмиш зоҳиран гўзал, аммо алдамчи санам (бут)лар – янгилик тарафдорлари даъвоси билан чиққан, азалий қадриятларни аёвсиз топтаган, қирғин – қатағонлар уюштирган “янги дўстлар”, яъни шўроларнинг адабий-мафкуравий ёлғонларига ишонишни истамайди. Чунки бу йўлда нажот йўқлигини теран англайди. Жони кийноқлар ичида қолса-да кўнгли алданмайди:

*Кет, малаклар достонини ўқима,
Кет, аслсиз эртакларни тўқима.
Кет, севгили кўкрагимга тинчлик бер,
Кет, сенинг-чун қучоқ очган қора ер.
Кет, жонимни қийнағувчи жоду – ҳур,
Кет, кўнглимни алдағувчи ёлгон нур [Чўлпон. 7:46].*

Бу фикрларнинг реал ҳаётий асослари, психобиографик моҳияти шундаки, Чўлпон ҳаётда ўзича йўл қидириб, қайси йўлдан бориш масаласида баъзан иккиланади. Аммо, “улуғ ёв”га зинҳор алданмайди. Бу ҳол шоирнинг илк умид нишонаси бўлган Туркистон Мухториятининг 1918-йил февралда шавқатсизларча тугатилиши, сўнгги умиди бўлмиш 1920-йилда юзага келган Бухоро Халқ Республикасининг тақдири ҳам хавф остида эканини англаши, руҳан ҳис этиши билан боғлиқ. Шеър шоирнинг 1922 йилги кайфият-ҳолига тўла мутаносиб эди. Чўлпон “Суйган чоқларда” шеърида ҳам пари образига мурожаат қилади:

*Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган,
Парилари, ҳурларини кўрдингми?
Аламимдан гуллар эккан йўлларга,
Коинотдан ҳаёт сочиб юрдингми?*

*Йўлларингда “шитир” этса сўлган барг,
Кўлдоғимга мусикалар келтирур:*

Қўлоғимга мусиқашир келтирур,

Қачон сенинг мусиқадаи овозинг,

Сенинг мени “ суйганингни ” билдирур ?... [Чўлпон. 7:3].

Шоир ёрни гўзалларнинг маликаси, самовий чиройга эга қиёфада тасвирлайди. Маъшуқа қадам ташлаган йўллардаги сўлган баргнинг шитирлаши ҳам ошиққа мусиқадай эшитилади. Зотан, шоирнинг лирик қаҳрамони – умидвор ва виждони пок ошиқ. У сўнгги умидларига осилиб, йиқилиш ҳолига келган кезларида ҳам, ўзидаги Ватан ишқининг асл машъали – илоҳий кудратидан, кўнгил тилакларидан куч олади.

Ўзига хос оҳанг ва мусиқага эга бўлган Чўлпон ижодида “парӣ” образидан кўпгина ўринларда фойдаланилганини кузатишимиз мумкин. Шоирнинг айрим лирик шеърлари куйга солиб, кўшиқ қилинган. Улардан энг оммалашгани “Уйқу” номли шеъри ҳисобланади:

Жим туринг, шовқинланманг, уйқу ичинда ул пари,

Юрма, тек тур, ай шамол, юрсангда юр бир оз нари.

Кўкда бир тўп қиз – малак уйқу куйини бошлади,

Илгари чалган тирик, жонли куйини ташлади [Чўлпон. 7:136].

Жадид шоирлари шеърлятида тасвирланган нарсалар, хатто муҳаббат ҳақидаги фикрлар ҳам ижтимоий маъно ташишга хизмат қилади. Чунки, миллат тақдирини ҳар недан устун қўйган жадид маърифатпарварларининг шахсияти билан эрк ва озодлик ҳақидаги ғоялари уйғунлашиб кетган. Узок

асрлар давомида ишқ ва гўзаллик билан боғлиқ қарашларни ифодалаб келган пари образи ҳам бу сингари шеърларда эрк, озодлик мавзусини ёритишга йўнвртирилган.

Фитратнинг “Яна ёндим” шеърида ҳам пари образи тилга олинади:

Жон тортғуси бўлган кўзи оғир, нозли сузиларди,

Бир оз бурун чоғир ичкан париларга ўхшарди.

Билмам нечун ўйларди...!

Каъба узра айланғувчи кўгарчиндек юрагим,

Соатларча шу кўзларнинг теграсида айланди [Фитрат. 6:46].

Фитратнинг ушбу шеъри таг замирида ҳам ижтимоий моҳият мавжуд. Юртининг эртасидан ташвишга тушган лирик қаҳрамон ўзини юрагида қалин, қизгин олов ёнётгандек, чидамли умид тераклари йиқилгандек, узоқ давом этган қайғу тунидан сўнг тонг отмайдигандек, бутун борлигини емирилгандай тушкун ҳолда ҳис қилади. Бир замонлар манглайида нур денгизи жилваланиб турган гўзал умид тўлқинлари у билан ҳамнафас эди. Эндиликда эса Каъба атрофини айланётган кабутардек парвона бўлса-да, унга сира боқмаяпти. Умидсизлик аро жони ўртаниб, чексиз изтироб чексада, юрагининг туб – тубида умиднинг қайтишини истайди. Руҳ нечоғлик яраланмасин умидсиз яшай олмайди. Бунда пари образи шоир илгари сурган туйғу-кечинмани таъсирчан ифода этишга хизмат қилган.

Кўринадикки, мумтоз адабиётимизда кенг қўлланилган пари образи жадид шеъриятида янгича мазмун ва моҳият касб этган. Бу давр шеъриятида пари образи эрк, озодлик, миллат ва ватан келажаги учун қайғуриш сингари

пари образи Эрк, озодлик, миллат ва ватан келажаги учун қайғуриш сингари туйғу-кечинмалар тасвирида кенг қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Афанасьев А. Поэтические воззрения славян на природу.Т.3. – М.: Изд. К.Солдатенкова, 1969, – с.150.
2. Жуманов Э. Эртақлардаги дев, пари, илон, ялмоғиз образларининг мифологик асоси / Жаҳон адабиёти, – Т., 2022, 1-сон.
3. Матёкубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат, – Тошкент, 2010, – Б.28
4. Назарова Д. Ҳувайдо шеърлятида анъанавий образлар; Академик А.Қаюмовнинг илмий-ижодий мероси мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани – Т.: 2021, – Б.128
5. Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. Ж.1. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971
6. Фитрат. Танланган асарлар. Ж.1. – Т.: Маънавият, 2000
7. Чўлпон. Асарлар 1- жилд. – Т.: Академнашр, 2016
8. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Т.: Юлдузча, 1989